

**Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича  
ШАРТНОМА № 07**

Янгийўл шаҳар

2022 йил «15» май

МЧЖ "BIZNES SIFAT-FAYZ" номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор Акбарова Гўзал Салтевна (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади) бир томондан ва Янгийўл шаҳар Тиббиёт бирлашмаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Самандаров Рустан Авезмуродович (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

**I. Шартнома предмети**

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг буюртмаси бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кўрсатиб ўтилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Аутсорсер мазкур шартноманинг 1.3.-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб, у тугагунига қадар ҳар кун Буюртмачини иссиқ овқат билан таъминлаш хизматини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан белгиланган санитария-гигиена нормалари ва қоидаларига риоя этган ҳолда, Буюртмачи билан келишилган буюртмаларни бажариш жадвалига мувофиқ таъминлаш мажбуриятини, кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади, ўз зиммасига олади.

1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:

2022 йил «18» майдан.

2022 йил «31» декабргача.

1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактура имзоланиб, Буюртмачи Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига пул маблағлари ўтказгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

**II. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Аутсорсер қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.1.1. Ижарага олинган мол-мулкдан фойдаланиш;

2.1.2. Ижарага олинган бино ва иншоотларнинг ички ва ташқи қисмида техник жиҳатдан жиҳозлаш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

2.1.3. Хизматлар таннархининг ўзгариши муносабати билан шартномага ўзгартириш киритиш таклифи билан чиқиш;

2.1.4. Кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида тўловлар амалга оширилишини талаб қилиш;

2.1.5. Кўрсатилган хизматлар учун 20 фоизгача устама ҳақини олиш;

2.1.6. Буюртмачидан шартнома шартларининг бажарилишини талаб қилиш;

2.1.7. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.2. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:

2.2.1. Ижарага олинган бино ва иншоотлар, жиҳозлардан мақсадли ҳамда оқилона фойдаланиши, сақлаши, носоз ҳолга келганда уларни ўз ҳисобидан таъмирлаши, шунингдек, коммунал харажатларини қоплаши;

2.2.2. Аутсорсинг хизматини кўрсатишда техника, ёнғин, меҳнат муҳофазаси ҳамда санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига қатъий риоя этиши;

2.2.3. Товар (ишлар, хизматлар)нинг сифатли ишлаб чиқарилишини ва буюртмачига етказилишини таъминлаши;

2.2.4. Махфийлик тартибига қатъий риоя қилиши;

2.2.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига қадар эса буюртмачининг тегишли хизматларини узлуксиз ташкил этишни таъминлаши;

2.2.6. Хизматларни сифатли, мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлиқ ҳажмда кўрсатиши;

2.2.7. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур шартнома шартларига амал қилмасдан, хизматлар сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул тўғрилаши;

2.2.8. Хизматларнинг сифатсизлиги, хизматларни бажариш учун вақтинча фойдаланишга бериладиган ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) хоналари ҳолати, шунингдек, тегишли инвентарларнинг санитария қоидаларига жавоб бермаслиги аниқланганда, Аутсорсер зудлик билан Буюртмачининг аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қонуний талабини бажариши;

2.2.9. Малакали, тажрибали, қўйилган вазифани (хизматни, ишни) амалга ошириш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлган, шунингдек, белгиланган тартибда ва муддатда тиббий текширувдан (кўриқдан) ўтган ходимларга (талаб этилган ҳолларда) хизматларни бажариш жараёнига рухсат этиши;

2.2.10. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлоқ қоидаларига, шунингдек, ички тартибга риоя қилиш мажбуриятини юклаши;

2.2.11. Хизмат кўрсатиш бўйича ишларни шахсан бажариши, мазкур Шартнома шартларини бажаришни учинчи шахсга топширмаслиги;

2.2.12. Мазкур шартнома шартларини бажариш доирасида Буюртмачи томонидан вақтинча фойдаланишга топширилган ускуналар, жиҳозлар, идишлар, асбоблар, мебеллар, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни соз ҳолда саклаши, таъмирлаши, шунингдек, биноларни таъмирлаши;

2.2.13. Томонлар имзолайдиган тегишли қабул қилиш-топшириш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда, Буюртмачидан биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқалар моддий воситаларни қабул қилиб олиши;

2.2.14. Мазкур шартномани бекор қилиш ҳақида Буюртмачини икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириши, ушбу муддат тугагунига қадар эса Буюртмачига хизматларни узлуксиз кўрсатилишини таъминлаши;

2.2.15. Мазкур шартномага асосан Хизматларни кўрсатиш ишларига жалб этилган ходимларни ўқитишни (малакасини оширишни) амалга ошириши (талаб этилган ҳолларда);

2.2.16. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

2.3. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Товарлар (ишлар, хизматлар) сифатли ишлаб чиқарилиши (бажарилиши, кўрсатилиши)ни талаб қилиш;

2.3.2. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган ҳолда, шартнома шартларининг бажарилишини назорат қилиш;

2.3.3. Шартномани бекор қилиш тўғрисида 10 кун олдин Аутсорсерни ёзма равишда огоҳлантириш. бунда кўрсатилган хизматларнинг қийматини белгиланган тартибда тўлаш;

2.3.4. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқлар.

2.4. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳақини тўлаши;

2.4.2. Аутсорсерга мазкур Шартнома шартларини бажариш доирасида биноларни (хоналарни), ускуналарни, жиҳозларни, асбобларни, мебелларни, инвентарлар ва бошқа моддий воситаларни вақтинча фойдаланишга бериши;

2.4.3. Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар.

### Ш. Хизматлар нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ хизматлар нархи **134 270 400 (Бир юз ўттиз тўрт миллион икки юз етмиш минг тўрт юз) сўм**ни ташкил этади.

3.2. "Буюртмачи" етказиб бериладиган «хизмат»лар туркуми суммасининг 30 фоизи миқдоридан олдиндан ҳақ тўлайди. Етказиб берилган «хизмат»лар учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин 30 кун муддатда узил-кесил ҳисоб-китоб қилинади. Етказиб берилган «хизмат»лар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги сони ҳақидаги маълумотлар ва хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик буюртмага мувофиқ Аутсорсер билан биргаликда ҳар ўн кунда, тўланиши лозим бўлган суммаси кўрсатилган, Аутсорсер ва Буюртмачи томонидан имзоланадиган бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси тузилади ва ҳисоб-фактура расмийлаштиради.

3.4. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вақтдан бошлаб, 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортиқ бўлмаган миқдорда тўланади.

3.5. Мазкур Шартноманинг иловасида кўрсатилган, шартноманинг прогноз суммасини ҳисоблаш учун хизматларнинг нархлари томонлардан бирининг ташаббуси билан қайта кўриб чиқилади.

### IV. Томонларнинг мажбуриятлари

4.1. Аутсорсер шартнома мажбуриятларини ўз вақтида бажармаган ҳолларда, Буюртмачига муддати етказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик нархининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларнинг зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф қилишдан озод этмайди.

4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки тегишли даражада бажарилмаслиги учун Томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси талабларида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгар бўладилар.

4.4. Буюртмачига ҳар чорақда бир мартаба кўрсатилаётган хизматларнинг сифати, ижарага берилган бино ва иншоотларнинг ҳолатини мониторинг ўтказишга (аутсорсернинг молиявий фаолиятига аралашмаган ҳолда) шароитлар яратил.

4.5. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

#### V. Мунозарали вазиятларни ҳал этиш тартиби

5.1. Ушбу шартнома шартларини ва шартноманинг бошқа қондаларини бажариш муносабати билан томонлар уртасида юзага келадиган низолар томонларнинг узаро келишуви билан ҳал қилинади. Агар тарафлар низо бўйича узаро келишувга эриша олмадилар, низо Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Истеъмолчининг манзили бўйича тегишли Судлар орқали ҳал қилинади.

5.2. Битимнинг ҳар бир томони коррупцияга қарши кураш бўйича унга нисбатан қўлланиладиган барча тегишли шартлар ва талабларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва меъёрий ҳужжатларини тушунишини билдиради ва қафолатлайди.

5.3. Ушбу шартноманинг бутун амал қилиш муддати давомида Истеъмолчи (шунингдек, унинг мансабдор шахслари, раҳбарлари, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Етказиб берувчи, Буюртмачи ва Ўзбекистон Республикаси манфаатлари йўлида унинг агенти ёки вакили сифатида ишлайди. Коррупцияга қарши курашиш бўйича қонун ва меъёрий ҳужжатларнинг тегишли шарт ва талабларига қатъий риоя қилиш.

#### VI. Форс-мажор ҳолатлар

6.1. Томонлар мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолатлар енгиб бўлмас қуч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги (фавқулодда ҳолатлар ва алоҳида давр оқибати ҳисобланса ва давлатнинг тегишли органлари томонидан тасдиқланса, жавобгарликдан озод қилинади. Бунда мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ҳодисалар рўй берган муддатга сурилади.

#### VII. Яқинловчи қондалар

7.1. Ушбу Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳақиқий ҳисобланади. Мазкур Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисмини ташкил этади.



7.2. Томонларнинг ҳеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини бошқа Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.

7.3. Ушбу шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик қучга эга. Томонларнинг ҳар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

#### VIII. Шартноманинг амал қилиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома имзоланган пайтдан қучга киради ва 2022 йил «31» декабргача қадар амал қилади.

#### IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

«Аутсорсер»		«Буюртмачи»
<b>МЧЖ "BIZNES SIFAT-FAYZ"</b>		<b>Янгийул шаҳар Тиббиёт бирлашмаси</b>
Манзил: Тошкент вилояти, Янгийул тум., Шўралисой, Маданият-16		Манзил: Янгийул шаҳар Тошкент шох кўча 2-уй
Тел.:		Тел: +99 870 602-27-01
Х/р: 20 208 000 105 280 736 001		Х/р:
		ИНН: 207 314 452 ОКЭД: 86 100
Тошкент ш., АТБ "Qishloq Qurulish Bank"		Янгийул шаҳар Газлачилик бўлими
Бош амалиётлар Бошқармаси		Х/р: 23 402 000,300 10 000 1010
ИНН: 307 741 204; МФО: 01 037.		ИНН: 201 122 919 МФО: 00 014
Раҳбар:  Г.С.Ақбарова		Раҳбар:  Р.А.Самандаров



МЧЖ "BIZNES SIFAT-FAYZ" ва Янгийул шаҳар Тиब्биёт бирлашмаси ўртасидаги тузилган "18" май 2022 йилдаги 07-сонли шартномага

### СПЕЦИФИКАЦИЯ

(сумда)

№	Хизмат тури	Улч. бирл.	Микдори	Нархи	Сумма
1	Организация горячего питания (Тайёр иссик овқат билан таъминлаш)	порц.	5086	22 000	111 892 000
2	Устама хаки 20%	усл.	5086	4 400	22 378 400
<b>Жами:</b>					<b>134 270 400</b>

"Аутсорсер"

МЧЖ "BIZNES SIFAT-FAYZ"

*Г.С. Акбарова* Г.С. Акбарова

М.ў.

"Бирлашма"

Янгийул шаҳар Тиब्биёт бирлашмаси

*Р.А. Самандаров* Р.А. Самандаров

М.ў.



# МЧЖ "BIZNES SIFAT-FAYZ"

Тошкент вилояти, Янгийул тум., Шўралисой, Маданият-16

Тошкент ш., АТБ "Qishloq Qurulish Bank" Бош амалиётлар Бошкармаси

Х/р: 20208000105280736001 ИНН: 307 741 204 МФО: 01 037

№ 07/1

"~~18~~" май 2022 й.

## Тижорат таклифи

МЧЖ "BIZNES SIFAT-FAYZ" ташкилоти, Сиз томондан "etender.uzex.uz" сайтига 2022 йил 29 апрел куни жойлаштирилган 79915-сонли лот буйича, Сизга куйидаги Аутсоринг хизмати (Тайёр иссик овкат билан таъминлаш) буйича куйидаги нархда узининг тижорат таклифларини таклиф килади.

№	Хизмат тури	Ўлч. бирл.	Нархи
1	Организация горячего питания (Тайёр иссик овкат билан таъминлаш)	порц.	22 000
2	Устама хаки 20%	усл.	4 400

МЧЖ "BIZNES SIFAT-FAYZ"

рахбари:

м/у

Г.С.Акбарова



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyekti)ni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"BIZNES SIFAT-FAYZ"** Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"BIZNES SIFAT-FAYZ"** MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

18.09.2020

893601

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

307741204

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent viloyati, Yangiyo'l tumani, Sho'ralisoy, Madaniyat-16,

Guvohnoma:

Toshkent viloyati, Yangiyo'l tumani, DAVLAT  
XIZMATLARI MARKAZI tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



## Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 79915 на приобретение Услуги по организации горячего питания годовой

Способ проведения электронный

Дата 14.05.2022

Время рассмотрения 12.05.2022 20:12

Конкурсная комиссия Янгийул шахар Тиббиёт бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	Рустам Самандаров	тиббиёт бирлашмаси Бошлиғи	тиббиёт бирлашмаси Бошлиғи
<b>Секретарь комиссии</b>	Мухриддин Нуриддинов	режа иқтисод бўлим иқтисодчиси	режа иқтисод бўлим иқтисодчиси
<b>Член комиссии</b>	Саттарова Нафиса Нажмиддиновна	даволаш ишлари бўйича ўринбосари	даволаш ишлари бўйича ўринбосари
<b>Член комиссии</b>	MAXMUDXANOVA ZEBINISO MIRYUSUP QIZI	hisobchi	SHTB
<b>Член комиссии</b>	IKRAMOV MANNON XAMIDOVICH	Эпидемиолог	Янгийул шахар Тиббиёт бирлашмаси
<b>Член комиссии</b>	Малика Халимова	Бош хамшираси	Бош хамшираси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 14.05.2022 года № лота 79915.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 95.00 / Весовой коэф. ценовой части: 5.00)

Мин. балл: 70

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по организации горячего питания</b>
Подробное описание	Аутсоринг хизмати. Янгийул шахар Тиббиёт бирлашмаси Шошилинч булимида даволанаётган беморларни гигиена талабларга риоя килган холда хар куни уч махал белгиланган иссик овкат билан таъминлаш. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли Карорининг 2-бобида асосан Аутсоринг хизмати учун 20 фоиз устама хаки ичида).
Количество товара	2 054.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 720.00
Стартовая сумма	56 936 880.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по организации горячего питания</b>
Подробное описание	Аутсоринг хизмати. Янгийул шахар Тиббиёт бирлашмаси Шошилинч булимида даволанаётган беморларни гигиена талабларга риоя килган холда хар куни уч махал белгиланган иссик овкат билан таъминлаш. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли Карорининг 2-бобида асосан

	Аутсоринг хизмати учун 20 фоиз устама хаки ичида).
Количество товара	440.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 720.00
Стартовая сумма	12 196 800.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по организации горячего питания</b>
Подробное описание	Аутсоринг хизмати. Янгийул шахар Тиббиёт бирлашмаси Шошилинч булимида даволанаётган беморларни гигиена талабларга риоя килган холда хар куни уч махал белгиланган иссик овкат билан таъминлаш. (Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли Карорининг 2-бобида асосан Аутсоринг хизмати учун 20 фоиз устама хаки ичида).
Количество товара	432.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 720.00
Стартовая сумма	11 975 040.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по организации горячего питания</b>
Подробное описание	Аутсоринг хизмати. Янгийул шахар Тиббиёт бирлашмаси Шошилинч булимида даволанаётган беморларни гигиена талабларга риоя килган холда хар куни уч махал белгиланган иссик овкат билан таъминлаш. (Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли Карорининг 2-бобида асосан Аутсоринг хизмати учун 20 фоиз устама хаки ичида).
Количество товара	432.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 720.00
Стартовая сумма	11 975 040.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по организации горячего питания</b>
Подробное описание	Аутсоринг хизмати. Янгийул шахар Тиббиёт бирлашмаси Шошилинч булимида даволанаётган беморларни гигиена талабларга риоя килган холда хар куни уч махал белгиланган иссик овкат билан таъминлаш. (Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли Карорининг 2-бобида асосан Аутсоринг хизмати учун 20 фоиз устама хаки ичида).
Количество товара	432.00
Единица измерения	



Цена товара (услуги) за единицу	27 720.00
Стартовая сумма	11 975 040.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по организации горячего питания</b>
Подробное описание	Аутсоринг хизмати. Янгийул шахар Тиббиёт бирлашмаси Шошилинч булимида даволанаётган беморларни гигиена талабларга риоя килган холда хар куни уч махал белгиланган иссик овкат билан таъминлаш. (Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли Карорининг 2-бобида асосан Аутсоринг хизмати учун 20 фоиз устама хаки ичида).
Количество товара	432.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 720.00
Стартовая сумма	11 975 040.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по организации горячего питания</b>
Подробное описание	Аутсоринг хизмати. Янгийул шахар Тиббиёт бирлашмаси Шошилинч булимида даволанаётган беморларни гигиена талабларга риоя килган холда хар куни уч махал белгиланган иссик овкат билан таъминлаш. (Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли Карорининг 2-бобида асосан Аутсоринг хизмати учун 20 фоиз устама хаки ичида).
Количество товара	432.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 720.00
Стартовая сумма	11 975 040.00
Валюта	UZS

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуги по организации горячего питания</b>
Подробное описание	Аутсоринг хизмати. Янгийул шахар Тиббиёт бирлашмаси Шошилинч булимида даволанаётган беморларни гигиена талабларга риоя килган холда хар куни уч махал белгиланган иссик овкат билан таъминлаш. (Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 10 январдаги 16-сонли Карорининг 2-бобида асосан Аутсоринг хизмати учун 20 фоиз устама хаки ичида).
Количество товара	432.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	27 720.00
Стартовая сумма	11 975 040.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Малакали ходимлар бўлиши шарт, ошпазлар хақида (диплом, разряд, сертификат, тиббий кўриқдан ўтганлиги, ковид бўйича сертификат, ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма) маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Малакали ходимлар бўлиши шарт, ошпазлар хақида (диплом, разряд, сертификат, тиббий кўриқдан ўтганлиги, ковид бўйича сертификат, ташкилотда ишлаётганлиги тўғрисида буйруқдан кўчирма) маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BIZNES SIFAT-FAYZ	14	Ушбу сохада ишловчи 5 нафар малакали ошхона ходимлари фаолият олиб боради, буйруқдан кўчирмалар, ходимлар диплом нусхаси ва тиббий кўриқдан ўтганлиги тўғрисида маълумотлар илова қилинади.	10	Экспертная		
YATT KALDAROV SHERZOD TULKINOVICH	14	14	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
BUSINESS QURILISH MCHJ	14	Тегишли хужжатлар тақдим этилади	10	Экспертная		

Критерий №2 Тиббиёт бирлашмаси ошхонасида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароит яратиш бўйича инвестицион лойиҳа тақлиф.

Тип: Текстовое значение

Описание: Тиббиёт бирлашмаси ошхонасида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароит яратиш бўйича инвестицион лойиҳа тақлиф.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BIZNES SIFAT-FAYZ	14	Инвестицион лойиҳа тақлифи киритилган.	10	Экспертная		
YATT KALDAROV SHERZOD TULKINOVICH	14	14	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
BUSINESS QURILISH MCHJ	14	Тиббиёт бирлашмаси	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		ошхонасида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароит яратиш бўйича инвестицион лойиҳа таклиф.т бирлашмаси ошхонасида санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос шароит яратиш бўйича инвестицион лойиҳа таклиф этилади.				

Критерий №3 Худудий солиқ инспекциясидан тасдиқланган қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание: Худудий солиқ инспекциясидан тасдиқланган қарзи мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BIZNES SIFAT-FAYZ	14	Маълумот тақдим қилинди.	10	Экспертная		
YATT KALDAROV SHERZOD TULKINOVICH	14	14	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
BUSINESS QURILISH MCHJ	14	ДСИ маълумотномаси	10	Экспертная		

Критерий №4 Давогар аутсорсинг хизмати шу йуналишда беморлар учун иссиқ-овқат етказиб бериш фаолиятини олиб борганлиги тўғрисида камида уч йиллик тажрибага эга бўлиши керак.

Тип: Текстовое значение

Описание: Давогар аутсорсинг хизмати шу йуналишда беморлар учун иссиқ-овқат етказиб бериш фаолиятини олиб борганлиги тўғрисида камида уч йиллик тажрибага эга бўлиши керак.

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BIZNES SIFAT-FAYZ	14	Аутсорсинг хизмати шу йуналишда беморлар учун иссиқ-овқат етказиб бериш фаолиятини олиб боришда етарлича тажрибага эга.	10	Экспертная		
YATT KALDAROV SHERZOD	14	14	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
TULKINOVICH						
BUSINESS QURILISH MCHJ	14	Тегишли хужжатлар тўплами тақдим этилмоқда	10	Экспертная		

Критерий №5 Аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларга эга бўлиши;

Тип: Текстовое значение

Описание: Аутсорсинг хизмати бўйича камида уч ойлик шартнома суммасига тенг айланма маблағларга эга бўлиши;

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BIZNES SIFAT-FAYZ	14	Сизнинг талабингизга мувофик, агарда маблағ билан боғлиқ муаммолар юзага келган тақдирда, Сиз билан шартнома имзоланган кундан бошлаб, шифохонада даволанаётган беморларни 120 кун мобайнида тайёр иссиқ овқат билан қарздорлик ҳисобига таъминлашни кафолатлайди.	10	Экспертная		
YATT KALDAROV SHERZOD TULKINOVICH	14	14	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
BUSINESS QURILISH MCHJ	14	Банк маълумотномаси	10	Экспертная		

Критерий №6 Жамиятнинг биржа маълумотлар баъзасида инсофсиз ижрочилар ягона рўйхатида эмаслиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Жамиятнинг биржа маълумотлар баъзасида инсофсиз ижрочилар ягона рўйхатида эмаслиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BIZNES	14	Давлат	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
SIFAT-FAYZ		харидлари электрон тизимида "инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри"да мавжуд эмас.				
YATT KALDAROV SHERZOD TULKINOVICH	14	14	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
BUSINESS QURILISH MCHJ	14	Тегишли хужжатлар илова қилинади	10	Экспертная		

Критерий №7 Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО BIZNES SIFAT-FAYZ	14	Ташкилот тугатиш ёки банкротлик холатида эмас.	10	Экспертная		
YATT KALDAROV SHERZOD TULKINOVICH	14	14	0	Экспертная	Дисквалифицирован	
BUSINESS QURILISH MCHJ	14	Хужжатлар	10	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
ООО BIZNESSIFAT-FAYZ	140 983 920.00	134 270 400.00	10.05.2022 22:17:55	5.00
BUSINESS QURILISH MCHJ	140 983 920.00	137 538 000.00	11.05.2022 18:08:08	4.88

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
YATT KALDAROV SHERZOD TULKINOVICH	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ООО BIZNESSIFAT-FAYZ	67.45	5	72.45

BUSINESS QURILISH MCHJ	67.45	4.88	72.33
------------------------	-------	------	-------

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 79915 от 14.05.2022 года на приобретение Услуги по организации горячего питания годовой определила победителем:

ООО BIZNES SIFAT-FAYZ  
307741204

и резервный исполнитель: BUSINESS QURILISH MCHJ (305209422)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Член комиссии</b>	Саттарова Нафиса Нажмиддиновна	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	IKRAMOV MANNON XAMIDOVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MAXMUDXANOVA ZEBINI SO MIRYUSUP QIZI	Согласен	
<b>Председатель комиссии</b>	Рустам Самандаров	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	Малика Халимова	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI**  
**TOSHKENT VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI**  
**YANGIYO'L SHAHAR YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI**

112000, Yangiyo'l shahri Navro'z M.F.Y. Yoshlik (SH.Rashidov) ko'chas 1- uyi,  
tel.: (998 70) 602 - 27-03, el.pochta: Yangiyo'lyurmarkaz@adliya.uz

**ЮРИДИК АҲАМИЯТГА ЭГА ҲУЖЖАТЛАРНИНГ ҚОНУН  
ҲУЖЖАТЛАРИГА МУВОФИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА  
ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

**1. Лойиҳанинг тури: шартнома**

**2. Лойиҳанинг номи: аутсорсер шартнома**

МЧЖ "BIZNES SIFAT-FAYZ" номидан Устав асосида фаолият юритувчи директор **Акбарова Гўзал Салиевна** (кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталади) бир томондан ва **Янгийўл шаҳар Тиббиёт бирлашмаси** номидан Низом асосида фаолият юритувчи **Самандаров Рўстам Аvezмуратович** (кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталади), иккинчи томондан кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

**Лойиҳа ишлаб чиқувчиси ва киритилган сана ҳақидаги маълумот:**

Ташкилот томонидан 2022 йил 25 (30 май қайта юборилган) куни ишлаб чиқилган ва дастурга киритилган.

Лойиҳа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва уни қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

**Янгийўл шаҳар юридик  
хизмат кўрсатиш маркази  
бош юрисконсулти  
2022 йил 30 май**



**М.Исламов**